
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВИЛОЯТИМИЗДАГИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ФАХРИЙЛАРИ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов билан бирга Фарғона туманида яшовчи Турсунбек ота Исанбеков ҳамда Фарғона шаҳрида яшовчи Татьяна Усмонова хонадонларида бўлишиб, фахрийларни ва уларнинг оила аъзоларини бугунги байрам билан табрикладилар.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган Турсунбек ота Исанбеков Фарғона тумани Хонқиз қишлоғида яшайди. Вилоят ҳокими билан бўлган суҳбатда отахон уруш даврида бошидан ўтказган синовлар, қийинчиликлар, кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб берди.

Турсунбек ота 1944 йил 19 ёшида урушга кетиб, 1950 йилда қайтган. Сўнг колхозда бригадерлик қилди. Турмуш ўртоғи Хабибахон ая билан 3 ўғил, 5 қизни тарбиялаб уйли-жойли қилди. Ҳозирда неварая эваралар қуршовида умргузаронлик қилмоқда. Отахон уруш даврини ёдга олар экан, бугунги замон ёшлари ундай қаро кунларни кўрмасликларини, юртга тинчлик тилаб дуо қилди.

Фарғона шаҳрида яшовчи 101 ёшни қаршилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Татьяна Усмонова ҳам вилоят раҳбарларини очиқ чеҳра билан кутиб олди. Онахон ўз кўнгил кечинмалари билан ўртоқлашаркан, кўрсатилаётган эътибордан мамнун эканини қайта-қайта таъкидлади.

Турсунбек ота ва Татьяна онахон, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш кераклигини такрор такрор таъкидладилар, Президентимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Фахрийларга байрам совғалари топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-14 20:18:02